Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 16-aprel, payshanba, № 48 (3553)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

КЕКСАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган шахсларга муносиб эътибор қаратиш, шунингдек, пенсионерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 майидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаш белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда тўланадиган устама Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. 2015 йилнинг 1 майидан уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича энг кам иш ҳақининг табақалаштирилган миқдорида ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янги рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2015 йил давомида 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролардан тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисобланиши, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиши тўғрилигини текшириш натижаларига кўра аниқланган ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар миқдори ҳисобдан чиқарилсин.

4. 2015 йилнинг 1 майидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тузатишлар киритилсин ва ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 апрел

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Мамлакатимизда кексаларни қадрлаш, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларга эъзоз кўрсатиш ибратли анъанага айланди. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда эътироф этганидек, "Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар — шунга эътибор беринг — 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда.

ФАРАҲБАХШ КУНЛАР САОДАТИ

Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим". Элнинг оғир юкини, қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган бундай мўътабар инсонларни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — энг улуғ, энг савобли ишдир.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тўғрисида»ги Қарор асосида юртимизда қарияларга ғамхўрлик қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар азалий қадриятларимизга уйғунлиги билан ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

ЖИЗЗАХ

Вилоятда жорий йил биринчи чорагида 250 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунга техника ва технологияларни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш, молиявий соғломлаштириш сингари муҳим омиллар туфайли эришилди.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

Ҳозир ўн битта туманда кичик саноат зоналари барпо этилиб, уларга 73 гектар ер майдони ажратилди. Вилоят марказидаги собиқ 22-автосарой биноси ўрнида лойиҳа қуввати 10 млрд. сўмлик инвестиция ҳисобига енгил саноат корхонаси барпо этилди. Бу билан элликдан ортиқ ёшлар ишли бўлишди. Ғаллаорол туманида иш бошлаган трикотаж корхонаси сифатли ва харидоргир маҳсулоти билан эътиборга тушди.

Воҳада трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки баробарга ортди. Экспорт салоҳияти ҳам кескин кўпайди.

Абдуманноп АЗИМОВ, "Ishonch" мухбири

БУХОРО

Ҳадемай касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлади. Улар илм масканидан мустақил ҳаёт сари қадам ташлайди. Бу йўлда бўлажак мутахассисларга кўмаклашиш нафақат коллеждаги устозлари, кенг жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифаси саналади.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Жондор педагогика касб-ҳунар коллежида туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, қатор ташкилотлар, жумладан касаба уюшма фаоллари иштирокида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 24 та корхона ҳамда муассаса 401 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Унда меҳнат жамоалари вакиллари иштирокчиларни мутахассислик ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ўз сафларига таклиф этишди.

Шу куни 41 нафар ёшга бўш иш ўрни учун меҳнат бозори ташкилотчиси томонидан йўлланма берилди. Бошқалар меҳнат қонунчилигига оид маслаҳат олишди.

Ўз мухбиримиз

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Бруней-Доруссалом Султони — **Ҳожи Ҳассанал Болкиях Муиззадин Ваъдауллоҳ**

Молдова Республикаси Президенти — **Николай Тимофти**

Япония "Сока Гаккай Интернешнл" будда ташкилоти президенти — **Дайсаку Икеда**

"Корея газ корпорацияси" президенти ва бош ижрочи директори — **Жонг Хо Ли**

"Лотте Груп" раиси — **Донг Бин Шин**

"Самсунг Электроникс" компанияси президенти — **Сан Жин Пак**

"Хитой миллий нефть-газ корпорацияси" директорлари кенгаши раиси — **Чжоу Цзипин**

"Поли Текноложи Инк." компанияси президенти — **Ван Лин**

"Хуавей Текноложи Ко.Лтд" компанияси президенти — **Жэн Чжэнфэй**

"Сасол Лимитед" президенти ва бош ижрочи директори — **Дэвид Констебл**

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«XORAZM INTERTRADE»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги "Xorazm Intertrade" масъулияти чекланган жамиятида йигирма турдаги қурилиш-боп бўёқ ва пардозлаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркор Дилшод Юсупов раҳбарлигида йигирма нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхона кунига 20 тонна бўёқ ва яна шунча миқдорда қуруқ қоришмалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона маҳсулотлари ички бозорда харидоргир.

Суратда: *(ўнгдан) корхона раҳбари Дилшод Юсупов ва ишчи Алишер Мамадалиев.*

Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

ХОТИН-ҚИЗЛАР — КАСАБА УЮШМА ЭЪТИБОРИДА

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулнорахон Абдуллаева билан суҳбатимиз жамият тараққиётида муҳим масала — аёлларга яратилган шароит ва имтиёзлар хусусида кечди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, меҳнат фаолиятини оилавий юмушлар билан уйғун ҳолда олиб бориш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча шароит яратилган, — деди Г.Абдуллаева. — Айниқса, аёлни қадрлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари намунали йўлга қўйилган.

Бирлашма кенгаши ҳамда унга аъзо ташкилотлар қошида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномалари орқали хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар манфаатлари ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандлар киритилган. Ҳозирда 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатилаётир. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда, ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланмоқда. Хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти қўллаб-қувватланиб, касаба уюшмалари тизимидаги "Ишонч телефонлари" орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилаяпти. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан меҳнат бозорида хотин-қизлар манфаати ҳимояланмоқда. Ишловчи аёлларнинг малакаси оширилиб, касбга йўналтирилмоқда, қайта ўқитилиб, хавфсиз меҳнат шароити таъминланаётир.

ЎзА сурати

Бундан ташқари, самарали фаолият юритаётган илғор ва фаол хотин-қизлар рағбатлантирилиб, ижтимоий ҳимояталаб аёллар қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ўтган йили меҳнатда алоҳида намуна кўрсатиб, юқори кўрсаткичларга эришаётган фаол аёллар 14,1 млн. сўмлик эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Боқувчисини йўқотган, ногирон, "Саховат" уйларида яшаётган аёллар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Аёлларимизнинг уйрўзғор юмушларини енгиллаштириш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 136 нафар хотин-қизга электр маиший техника жиҳозлари бепул берилди. 10 нафар ҳарбий хизматчи оила аъзоларига (аёлларга) ҳам худди шундай совғалар тақдим этилди. "Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!" шиори остида мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо этган 10 нафар ҳарбий хизматчи ва 4 нафар ички ишлар ходимининг оиласига манзилли ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Термизда "Ёш чегарачилар" республика ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг очилишида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Термиз шаҳар ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг "Алпомиш авлодлари" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

— Вилоят босқичидаги ғолиблик жамоамизни янада кўпроқ изланишга, жисмоний тобланишга ундайди, — дейди ғолиб жамоа сардори Азамат Ҳайитмуродов. — Мусобақанинг мамлакат босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун бизда барча шароит ва имкониятлар бор.

Қизғин баҳсларга бой бўлган мусобақада иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган жамоалар, шунингдек, Президент асарлари билимдони, инглиз тили билимдони, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, мерганлик, граната улоқтириш каби йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири

2015-yil 16-aprel, payshanba, № 48 (3553), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХОТИН-ҚИЗЛАР — КАСАБА УЮШМА ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларда эҳтиёжманд ва кўп болали оилалардан бўлган 45 нафар аёл бепул соғломлаштирилди, 690 нафар аёлга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Хотин-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида юқумли касалликлар, ОИТС ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш борасидаги тарғибот ишларида, шунингдек, оилада тиббий маданиятни янада юксалтириш, биринчи маротаба никоҳдан ўтувчи ёшларга тиббий кўрик аҳамиятини тушунтириш йўналишидаги тадбирларда ҳам хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаол иштирок этмоқда.

Давлат дастури доирасида вилоят бўйлаб ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ҳамда юқори малакали шифокорлари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги тадбирлар асосида 9101 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрикдан ўтказилган хотин-қизларнинг 5051 нафари амбулатор даволанишга, 583 нафари стационар шароитида даволанишга жалб қилинди, 41 нафарига республика ва 44 нафарига вилоят шифохоналарига даволанишга тавсия ва йўлланмалар берилди.

Фахрий аёлларимиз доимий эъзозда. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан жамоа шартнома ва келишувларига фахрий аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид меъёрлар киритилди. Бошланғич касаба уюшма қўмиталари қошида ташкил этилган "Фахрийлар кенгаши" томонидан пенсиядаги аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Давлат дастури доирасида меҳнат фахрийлари бўлган аёлларни тизимдаги санаторийларда бепул дам олдириш ишлари бошлаб юборилди. Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар халқимиз турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилаётгани кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшаётир.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ
ёзиб олди

ДАВРА СУҲБАТИ

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ўртасида қабул қилинган тармоқ келишувлари ижросини таъминлаш доирасида Қоракўл курилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида тадбир ўтказилди. "Норасмий меҳнатнинг олдини олиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли" мавзусидаги давра суҳбатида коллеж битирувчилари, ҳунармандлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари иштирок этди.

— Тадбиркорлик, оилавий корхоналар, ҳунармандчиликнинг кафолат ва эркинликларини таъминлашга эътибор тобора кучайтирилаяпти, — деди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Жаҳонгир Нуруллаев. — Бундай халқ анъаналарини инобатга олган ҳолда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани айни муддао бўлди. Ушбу қонун янги иш ўринларини яратиш аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини яратди. Ходимлар билан иш берувчилар ўртасида тузиладиган жамоа шартномаларидаги имтиёз ва кафолатлар ёш ходимларни ҳар томонлама ҳимоялаётир.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказининг вилоят бўлими бошлиғи Аҳмад Ёдгоров, "Ҳунарманд" уюшмаси Бухоро ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Пирмамат Шоназаров, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси масъул ходими Гуландом Ҳамидова, Қоракўл туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Азизжон Болтаевлар норасмий меҳнатнинг олдини олиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда амалдаги қонунлар афзалликлари, бу борадаги янгиликлар хусусида сўз юритишди.

— Тадбир жамоамиз учун ғоят аҳамиятли бўлди, — дейди коллеж директори Илҳом Жумаев. — Чунки битирувчиларимиз йил сайин кўпайиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 330 нафар битирувчининг 306 нафари иш билан таъминланди. 17 нафари эса турли олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Амалдаги ўқув йилида битирувчиларимиз 399 нафарни ташкил этади. Улар бандлигини таъминлашда бугунги тавсия ва маслаҳатлар, йўл-йўриқлар асқотади, албатта.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида ўқув-семинар ташкил этилди.

АТРОФЛИЧА ТУШУНЧА БЕРИЛДИ

Тадбирда тармоқ ходимлари учун халқаро меҳнат стандартларини амалиётга тадбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратишга оид мавзулар бўйича мутахассислар маърузаси тингланди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид амалдаги қонунлар, болалар меҳнати бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари иштирокида 2013-2014 йилларда ўтказилган миллий мониторинг натижалари ҳамда навбатдаги вазифалар борасида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Б. Бекжанов, меҳнат қонунчилигининг амалдаги ижроси, Меҳнат кодекси ва фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисида юридик бўлим мудири П.Турсунов атрофлича тушунча берди.

Семинар якунида тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

УЛУҒЛАР ДУОСИ —

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётганимга роппа-роса 40 йил бўлибди. Хизматларим инобатга олиниб, бир неча бор тақдирландим. Бу бутун жамоамизнинг фаолиятига берилган баҳо, албатта. Чунки куч — бирликда.

Жорий йил март ойида менга Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан "Умид гулшани" санаторийсига имтиёзли йўлланма берилди.

Санаторий ходимларининг хушмуомала ва самимийлиги туфайли чарчоқларим унут бўлди. Дам олувчилар учун яратилган қулайликлардан қувондим. Тренажёр зали, спорт майдончаси, кутубхона, ошхона, фитобар, маиший хизмат кўрсатиш маскани талаб даражасида эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда малакали мутахассислар ёрдами билан саломатлигим тикланди. Ҳозир ўзимни ёшаргандек ҳис этяпман.

Бундай эътибор ва рағбат баркамол авлод тарбияси йўлида янада завқ-шавқ билан меҳнат қилишга ундайди.

Г.МАДРАҲИМОВА,
Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги 23-умумтаълим мактаби директори

ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР ИФОДАСИ

Ёши улуғ инсонларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш, улар саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш халқимизнинг эзгу фазилатидир.

Ҳозирда Гулистон шаҳрида 5 нафар уруш қатнашчиси ва 132 нафар фронт ортида меҳнат қилган отахон-у онахонлар, 1600 дан ортиқ ногирон, 6800 га яқин ёшга доир нафақадаги нуроний умргузаронлик қилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорликда уруш ва меҳнат фронти фахрийларидан 49 нафарининг рўйхатини шакллантирди. Улар йил давомида ўзларига қулай вақтда юртимизнинг сўлим гўшалари — "Товоқсой", "Нуроний", "Маржонсуви", "Косонсой", "Назарбек", "Олмалиқ", "Зомин", "Чимён" каби сиҳатгоҳлардан бирида соғлиқларини бепул тиклаш имконига эга бўлди.

— "Товоқсой" сиҳатгоҳидан дардимга шифо топиб қайтдим, — дейди меҳнат фронти фахрийси Қодирали ота Асқаров. — Қўли енгил шифокорларнинг муолажалари, тавсиялари кутилган натижаларни берди.

Шунингдек, марказга мурожаат этган 3 нафар ногиронга ногиронлар аравачаси, 1 нафарига реабилитация техник воситалари совға қилинди.

"Камолот" ЁИҲ Гулистон шаҳар кенгаши ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан "Эъзоз" деб номланган тадбир доирасида ёшларимиз ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож кексаларнинг уйларига бориб, уларнинг хўжалик юмушларига кўмаклашиб, совғалар улашишди.

Шаҳар ҳокимлиги ҳамда Гулистон шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ёлғиз пенсионерлар, уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг уй-жойларини бепул таъмирлаб бериш мақсадида ҳомий ташкилотларни бириктирган ҳолда 2015-2017 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқилди.

Дарвоқе, Наврўз байрами муносабати билан тадбиркор Тўлғоной Абдиева ҳомийлигида "Навбаҳор" МФЙда жойлашган кексалар ва ногиронлар ётоқхонасида хайрия тадбири ташкил этилди. "Нуроний" жамғармаси томонидан кексалар яшайдиган хонадонларга қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

Дилнавоз ҲАЙДАРОВА,
Гулистон шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассиси

МАЗМУНЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Бухоро шаҳрида яшовчи Исмат ота Муҳсинов Бухоро илмий ишлаб чиқариш ва таъмирлаш устахонасида уста-меъмор бўлиб ишлаган кезларида мамлакатимиздаги кўплаб масжид ва мадрасалар қурилиши, тарихий-меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишларига муносиб ҳисса қўшган.

Тўрт ўғли ҳам ота касбини давом эттириб, қурилиш соҳасида меҳнат қилмоқда. Ҳозирда турмуш ўртоғи Мунаввар ая Камолова билан фарзандлари ардоғида кексалик гаштини сураётган отахон мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан мамнун.

Суратда: *Исмат ота Муҳсинов турмуш ўртоғи Мунаввар ая Камолова ва набиралари билан.*

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

ЎЗИ ГАВҲАР,

Очерк

Мунавварликдан нишона бериб тонг ота бошлади. Янги кун, янги ҳаёт... Гавҳар опа одатича эрта уйғонди. Бобосининг "Тонгни шукроналик билан бошлаш керак" деган сўзлари ёдига тушди. Кўнглидан кўплаб эзгу ўйларни ўтказганича, ошхона томон юрди. Келини сигирларни соғунига қадар нонушта тайёрлашга уннади.

У айрим қайноналарга ўхшаб, ҳамма ишни келинга юклаб, оёқ чўзиб ўтиришни ёқтирмайди. Неваралари бувиси тайёрлаган нонуштани севиб тановул қилишганида, баҳри дили очилади...

Гавҳар опа Урганч туманининг кайвони онахонларидан. Нафақат туманда, балки Хоразм вилоятида опани кўпчилик ҳурмат қилади, қадрлайди, маслаҳат сўрайди.

Инсон қандай хислатлари эвазига ҳурматга сазовор бўлади? Ишончни қозониш учун нималар қилиш лозим?

Гавҳар Шарипованинг ҳаёт йўлларига назар ташлаб, бу саволларга жавоб изладик.

***

Шариф бобо қишлоқнинг боббў одамларидан эди. Гавҳар болалигида буваси ёнидан жилгиси келмасди. Сабаби, у шундай ҳикояларни гапириб берардики, қизалоқ бобоси эртак айтяптими, бўлган воқеаларними, фарқлай олмасди.

Хон замонида бобоси деҳқон бўлган.

— Таноб-таноб еримиз бор эди. Пахта етиштирардик. Ҳамма иш қўлда бажарилади. Иш камайган пайтлари савдо карвонига қўшилиб Ўрин-бурунга бориб келардим, — дея сўзлаб берарди бобоси. — Нарсалар пулга сотилмасди. Чит, атлас олиб бориб, у ёқдан керакли нарсаларни олиб келардик.

Синглиси иккиси Ўрин-буруннинг қайси шаҳарлигини билолмай овора эди. Харитани ҳар қанча излаб, бундай шаҳарни топишолмасди. Ниҳоят, отаси бу шаҳар Оренбурглигини тушунтирди.

Бобоси 107 ёшида оламдан ўтди. Шариф бобонинг қуйидаги насиҳати Гавҳарга мерос бўлиб қолган: "Кишининг қўлига қарама, меҳнат қил. Меҳнат қилсанг хор бўлмайсан. Ҳузурингга биров бирон нарса сўраб келса, қуруқ қайтарма. Оғзингга олган нонингни сўраса ҳам, бир бўлагини илин".

Невара бутун умр шу даъватга амал қилиб келади.

Падари бузруквори Зариф ота ҳам бобоси каби меҳнатсевар инсон эди. Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан соғ-омон қайтган отаси бутун умр пахтачилик билан шуғулланган.

Онаси Олимахонга ҳам ўша кунлар изтироблари яхши таниш. 4-синфда ўқиб юрган кезлари акалари ва яқинлари урушга кетишган.

12 ёшли Олимани пахтачилик бригадасига табелчи қилиб тайинлашди. Қизалоқ ҳисоб-китоб ишларини бажариш билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишлари билан ҳам шуғулланар, фронт янгиликлари билан таништириб борарди.

Олима уруш тугагач, колхозда, сўнг Чоржўй-Қўнғирот темир йўл қурилишида ишлади, кейинчалик узоқ йиллар пилла-чилик бригадасига бошчилик қилди.

Зариф ота ва Олима она беш фарзандни оқ ювиб-оқ тарашди. Гавҳар уларнинг тўнғичи. Ота-онасига дала ишларида, ипакчиликда кўмаклашиш билан бирга мактабда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ташкил этиб, икки йил унга раҳбарлик қилди.

— Уйимизда ҳар доим икки соғин сигир, 40-50 уя асаларимиз бўларди, — дея эслайди Гавҳар опа. — Биз ҳам шу анъанага амал қилиб келамиз. Туман марказида истиқомат қилсак ҳам икки сигиримиз бор. Ҳар куни невараларимга янги соғилган сут ичирамиз, қатиқ, қаймоқ билан сийлаймиз. Турмуш ўртоғим билан иккаламиз ҳам ўқитувчимиз, лекин деҳқончилик биз учун иккинчи касб сифатида ардоқли. Узоқ йиллар пудрат асосида, кейин фермерлик қилиб, 10 гектар майдонда пахта етиштирдик.

***

1966 йили Урганч туманидаги 1-мактабни тамомлаган Гавҳар Шарипова Хоразм давлат педагогика институтига (ҳозирги УрДУ) ўқишга кирди. 1970 йилда ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича иш бошлади. 2003 йилга қадар ўзи таҳсил олган мактабда ёшларга сабоқ берди.

Гавҳар Шарипова мактабнинг энг олди ўқитувчиларидан эди. Унинг фаолияти туманда, вилоятда, республикада оммалашгани ҳам бежиз эмас. Ҳар гал у раҳбари бўлган синф ўқувчилари орасида 5-6 нафари "Олтин медал"га сазовор бўлишарди.

Янгиликка интилувчан эди. Нима бўш вақтлари "Қизлар клуби" ишларига раҳбарлик қилиб, "Қизим сендан сўрар сўзим бор", "Мустақил ҳаётга тайёрмисан?", "Оиланинг олтин занжири нима?" мавзуларида тадбирлар ўтказди. Ҳар шанба ва якшанба кунлари ўқувчилари хонадонларига ташриф буюриб, ота-оналари билан суҳбатлашишни, оиладаги шарт-шароитлар билан танишишни канда қилмасди.

Гавҳар Шарипованинг таълим-тарбия соҳасидаги меҳнатлари муносиб рағбатлантирилди. "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонига, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонига сазовор бўлди.

***

Гавҳар Шарипова жамоат ишларида фаол. 1987 йилда Урганч туман марказида маҳаллалар ташкил этилгач, Алишер Навоий номидаги маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Кейинчалик Қоровул қишлоқ фуқаролар йиғини яраштириш комиссиясига раҳбарлик қилди. "Маҳалла" фонди туман бўлиинмаси бош маслаҳатчиси бўлиб ишлади. 2007 йилдан жамоатчилик асосида "Оила" илмий-амалий маркази туман бўлимини бошқариб келмоқда. 2009 йилдан буён "Нуроний" жамғармаси Урганч туман бўлими раҳбари, туман аёллар маслаҳат маркази бошлиғи. Бир сўз билан ифодалаганда, туманнинг кайвони онахони. У кирмаган хонадон, маслаҳат бермаган оила йўқ ҳисоби. Тўй ва маросимларни камчиқим, дабдабасиз ўтказишга бош-қош. Опанинг ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги маҳаллада учта новвойхона ташкил қилинди. Аёлларнинг оғири енгил бўлди.

Бугун "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раҳбари сифатида кўплаб ёши улуғ инсонлар хизматида.

— Узоқ умр кўрган инсонлар ҳаёти улкан бир мактаб. Улардан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин.

Туманда юздан ошганлар 5 нафар, 90-100 ёшлилар 59, 80-90 ёшлилар 719, 70-80 ёшлилар 2735, 60-70 ёшлилар 5656 нафарни ташкил қилади. Уларнинг 14 нафари уруш қатнашчиси, 276 нафари фронт орти меҳнат фахрийлари.

117 ёшли Оймон Дўсчонова Гавҳар опанинг севимли бувиларидан.

— Уч асрнинг юзини кўрган момонинг кўзлари ўткир, кўз тегмасин, — дейди Гавҳар опа. — Ҳар сафар йўқлаб борганимда Президентим соғ бўлсин дея узундан-узоқ дуо қилади. Юртбошимизнинг барча маърузаларини ойнаи жаҳон орқали кўриб, эшитишни канда қилмайди. Момонинг айтишича, хонлар замонида ҳам, ундан кейин ҳам ҳозиргидай тўкин ва фаровон замонни бизнинг юртда ҳеч ким кўрмаган. Бу кунларнинг қадрига етмаслик мумкин эмас.

Гавҳар Шарипова шу кунларда яна бир савоб иш 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг санаторийларда дам олишини таъминлаш учун ҳужжатлар тайёрлашга бош-қош.

Гавҳар опанинг ташаббуси билан турмуш қурганига 40-50 йил тўлган, қўша қариб, пири-бадавлатлик мартабасига эришган отахон-онахонларнинг муборак тўйларини нишонлаш анъанага айланган. Бундай тадбирларда жамғарма ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилади. Шунингдек, жамғарма туман бўлими умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида уч авлод учрашувларини ўтказиш йўлга қўйган. Меҳнат фахрийларини Истиқлол иншоотлари ва юртимизнинг тарихий обидалари билан таништириш мақсадида саёҳатлар ташкил қилиб борилади. Умуман,

2015-yil 16-aprel, payshanba, № 48 (3553), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЛ МУДДАОСИ

Кексаларга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш аждодлардан мерос эзгу анъанага айланган. Кўпни кўрган кексаларнинг ҳар бир сўзи ёшлар учун катта ибрат мактабидир.

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган "Кексаларини эъзозлаган юрт" номли маданий-маърифий тадбирда пиру бадавлат отахон-онахонларга яна бир бор эҳтиром кўрсатилди.

НУРОНИЙЛАР АРДОҚДА

Самарқанд шаҳридаги "Нодир Самарқанд" меҳмонхонасига таклиф этилган 120 нафардан ортиқ нуронийлар мазкур маскан билан яқиндан танишишди. Меҳмонхонадаги шарт-шароит ва афзалликлар уларда чуқур таассурот қолдирди. Сўнгра самимий мулоқот ташкил этилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси борасида тизимда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди. "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими Ҳасан Нормуродов, вилоят ҳокими ўринбосари Хайриддин Хўжаёровлар кексалар саломатлигини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларга тўхталиб ўтди. Тадбир доирасида 60 нафар нуронийга касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул ва имтиёзли йўлланмалар берилди.

— Давлат дастури асосида касаба уюшмалари санаторийларида 350 нафардан зиёд кексаларни бепул ва имтиёзли равишда соғломлаштириш мўлжалланган. Улар ўзларига маъқул фурсатда дам олиш имконига эга, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров. — Бундан ташқари, нуронийларнинг 40 нафари Самарқанд, яна 40 нафари эса Бухоро шаҳрида саёҳатда бўлишади.

— Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилганман, — дейди Пайариқ туманида яшовчи Маҳмуд Раҳматов. — Фаолиятимнинг қарийб чорак қисми касаба уюшма тизими билан боғланган. Жамоат ташкилоти меҳнаткашлар ва уларнинг оиласига турли имтиёзлар яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишларни амалга ошираётгани эътиборга молик.

Шу куннинг ўзида 40 нафар кексанинг Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар бўйлаб саёҳати ташкил этилди. Нуронийлар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ФАРАҲБАХШ КУНЛАР САОДАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Куни кеча Президентимизнинг "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бу борадаги ибратли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бугун табаррук отахонларимизнинг қувончи чексиз. Улар орасида Чироқчи тумани Дам қишлоғида умргузаронлик қилаётган 101 ёшли Узоқ бобо Лулиев ҳам бор. Отахон ушбу хушхабардан бениҳоя тўлқинланиб кетди. Дуога қўл очиб, истиқлолнинг дориломон кунларига етказгани учун Яратганга қайта-қайта шукрона келтирди.

— Президентимизга минг раҳмат! Мендек кексаларга алоҳида эътибор ва ҳурмат кўрсатилмоқда, — дейди Узоқ бобо. — Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Тинчлик, хотиржамлик барқарор, халқимизнинг боши тўйдан чиқмасин!

101 ёшли Узоқ бобонинг оиласига барча ҳавас билан қарайди. Умри меҳнатда ўтган отахон Менгил момо билан олти ўғил, уч қизни вояга етказди. Ўқитиб, уйли-жойли қилди, элга қўшди.

— Қишлоққа келган биринчи тракторни ўзим бошқарганман, кейин юк машинасини ҳайдадим. Умрим эл хизматида ўтди. Яратганга шукр, камлик кўрмадим, — дейди Узоқ бобо. — Лекин кечмишларим ёдга тушади. Машинада юк олиб кетаётганда ёнимизга бировни миндиришга чўчирдик. "Сен техникадан ўз манфаатинг йўлида фойдаландинг, ишламай маош оляпсан", деган таҳдидлар билан қийнаб юборишарди. Бугун-чи?! Ҳаммада улов, фаровонлик. Ўзингиз тугул, юкингиз ҳам кўчада қолмайди.

Отахон доимо: "Қўлларингдан келганча бировларга яхшилик қилинглар", дея уқтиради фарзандларига.

— Ота-онамнинг бир-бирига бўлган оқибати, муҳаббатидан руҳ олиб ўсганман, уларнинг меҳнатсеверлиги ва интилиши менга куч берган, — дейди бобонинг катта қизи Маҳкамтош опа. — 38 ёшимда саккиз бола билан ёлғиз қолдим. Турмуш ўртоғим Жуманазар Бегматов ички ишлар ходими эди. Хизмат пайтида ҳаётдан кўз юмди. Шундай оғир паллада ота-онам менга тиргак бўлишди. Кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилдим. Пенсияга чиққач ҳам уйда ўтиролмадим. Тадбиркорларга яратилган шароитлардан қувватланиб, яна ишга шўнғидим.

— Узоқ бобо менинг устозим, — дейди "Уста Карим" номи билан танилган Карим Ҳайитов. — Болалигимда амакимга ҳавасланиб ўсганман. Мен ҳам кўп йиллар ҳайдовчилик қилдим. Ҳозир уста сифатида шаклланишимга у кишидан ўрганганларим асос бўлган.

— Отам бекор ўтиролмайди, — дейди ўғли Бахтиёр ака. — Уйимиз атрофидаги боғ, дов-дарахтларга қаранг. Уларнинг барчаси падаримизга тегишли. Ҳозир ҳам невара-чеваралари ёнига чақириб, миришкорлик, боғбонлик сирларини ўргатишдан эринмайди.

— Инсон саодати бевосита унинг оиласидаги муҳитга боғлиқ, — дейди "Дам" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хосият Мўминова. — Узоқ бобонинг узоқ умр кўришига у кишининг оиласидаги меҳр-оқибат, одамийлик сабаб деб ўйлайман. Раҳматли Менгил момо ҳам жуда муштипар, солиҳа аёл эди. Тилидан ширин сўз тушмасди. Онахон доим: "Дардингни олай, айланай сендан", деб гапирарди. Бугун маҳалламизда Узоқ бобо ва унинг авлодлари ўз обрўсига, ўрнига эга оилалардан ҳисобланади.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Қарши магистрал каналида 1989 йилдан бери ишлаб келмоқдаман. 2 йил илгари бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислигига сайландим. Ҳозирда пенсия ёшига етдим. Раҳбарият менинг хоҳишимга қарши пенсияга чиқариб юбориши мумкинми?

Л.РАЖАБОВА,
Нишон тумани

ЖАВОБ: Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари Меҳнат Кодекси 100-моддасида кўрсатиб ўтилган. Бу ҳолатда сиз билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига асосан, яъни ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин. Бунда ходимни икки ой олдин огоҳлантириш кифоя ҳисобланади. Албатта, меҳнат қонунчилиги билан бундай ходимларга бир неча кафолатлар назарда тутилган. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга бошқа иш таклиф этилмайди, лекин касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигини олдиндан олиш талаб этилади, ходимга иш қидириш учун ҳафтасига бир кун иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилади ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Бироқ бошланғич касаба уюшма қўмитасига раислик қилишингиз Сизга бир қатор имтиёз ва кафолатлар беради. МКнинг 25-моддасида ходимлар вакиллик органлари аъзоларининг меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлари белгилаб берилган. Унга кўра:

Ходимларнинг вакиллик органлари аъзолари вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан уларни иш берувчи томонидан бирон-бир шаклда таъқиб қилинишидан ҳимоя этиш кафолатланган. Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олган ҳолдагина амалга ошириш мумкин.

Саволга Тошкент давлат юридик университети "Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя" кафедраси ўқитувчиси Фаррух НАЗАРОВ жавоб берди.

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога "Ўзметкомбинат"АЖ нинг 2015 йил 11 мартдаги № 207пр сонли буйруғи ва 2015 йил 10 апрелдаги №30/07-106 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Бекабод шаҳри Сирдарё кўчаси 1-уй манзилида сақланаётган, "Дэу-эсперо" русумли, д/р 10 443 QAA бўлган 1996 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 26 025 000 сўм, "Фолксваген" русумли, д/р 10 434 QAA бўлган 1993 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 37 543 000 сўм бўлган техник соз холдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 18 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 15 май куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 18 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 25 май ва 1 июн кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 25 май савдолар учун 22 май куни соат 18:00; 1 июн савдолар учун 29 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак Йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланеган

"SURXON GRAND BROKER" масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдосига таклиф этади

2015 йил 18 май куни соат 11:00да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

1. "Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази" Сурхондарё вилоят бошқармасига тегишли бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/ 732 AAA бўлган "Нексия" русумли техник таъмирталаб ҳолдаги автомашинанинг бошланғич баҳоси — 6 628 000 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим этиши лозим.

Аукцион савдосига қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "SURXON GRAND BROKER" масъулияти чекланган жамиятининг ХАББ "Трастбанк" Термиз филиали МФО:01063, ИНН:302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (+99894)201-04-04.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан берилган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

"Zarali avto servis" МЧЖнинг йўқолган лицензия варақалари 1545667, 1545668, 1545670, 1545671, 1546328, 1545672, 1545673, 1545678, 1545679, 1545680, 1545869, 1545872, 1545873, 1546158, 1546320, 1546321, 1546322, 1546326, 1546329, 1546335, 1545674, 1545675, 1545870, 1545677, 1546159, 1545683, 1545666, 1546168, 1546166, 1546164, 1546162, 1546161, 1546328, 1546159, 1546323, 1546324, 1546325, 1546327, 1546333, 1546336.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан берилган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

"EARLY-MOON" МЧЖнинг йўқолган лицензия варақалари 1545895, 1545837, 1545831, 1545772, 1545699, 1545725, 1545724, 1545722, 1545718, 1545709, 1545646, 1545633, 1545493, 1545492, 1545487, 1545486, 1545483, 1545474, 1545468, 1545463, 1545462, 1545448, 1545445, 1545936, 1545889, 1545705, 1545704, 1545611, 1545427, 1545424.

жамғармада доим фаолият қизғин.

Бу каби фидойи меҳнати, ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги учун Гавҳар Шарипова мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

***

Мамлакат Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги маърузасида «Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қандай азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. "Пахта иши" деган уйдирма ва бўхтонлар, Марказдан юборилган, ўзини "десантчилар" деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозим», дея таъкидлаганида Гавҳар Шарипова кўзёшини тия олмади. Шарифбой акани тер босди. Ҳар иккаласи ҳам юракда чандиқ қолдирган ўша мудҳиш кунларни эсга олишди.

Ўшанда1983 йил эди... Дала бошига Шарифбой Жамматов: "Бир-икки кун ётиб ишламасак бўлмайди", дея кетиб, уч-тўрт кун ўтганда ҳам келмади.

Гавҳарнинг кўнгли хижил бўла бошлади. Лекин, кўнглидан кечаётганини қайнонасига, фарзандларига билдирмасликка ҳаракат қилди.

Бир оқшом бемаҳалда эшик қаттиқ тақиллади.

— Айбланувчи Жамматовнинг хонадоними? Мана ордер, биз тинтув ўтказгани келдик. Пулларингизни ўз ихтиёрингиз билан топширсангиз, эрингизга енгиллик бўлади, — деди ичкарига бостириб кирган кишилар.

Ҳеч нарсага тушунмай, гарангсираб турган Гавҳар "Хўп, хўп", дея шкафга қўл узатди. Пулларини шу ерда — дафтар ичида сақлашарди. 16 сўм бор экан. Гуруҳ раҳбарининг олдига қўйди.

— Бу нима? — ўзини терговчи деб таништирган кимсанинг кўзи қинидан чиқаёзди.

— Пул, ўзингиз айтдингиз-ку!

— Менга бу пул керакмас, кўп пул керак, қолган пулларингиз қани?

— Бизда кўп пул йўқ. Ҳаммаси шу. Ойнинг охири бўлса. Бу ойлик олгунимизча бизга етади, — ўзбекона соддалик билан тўғрисини айтди Гавҳар.

Қолган пулларни топиш учун уйнинг ағдар-тўнтарини чиқаришди. Бироқ топишолмагач, хафсалалари пир бўлиб чиқиб кетишди.

Бу ёқда Шарифбой Жамматовни марказдан келган терговчилар гуруҳи бошлиғи Михаил Помигалов саволга тутарди.

— Айбланувчи Жамматов, сен давлат мулкини талон-тарож қилишда, катта миқдордаги пулни ўзлаштиришда айбланасан. Бир гуруҳ содда одамларни лақиллатиб, пахта сотиб оламиз, деб улардан пул йиғиб, ўзлаштиргансан. Раис иккавингиз тил бириктириб шоли экиш учун ер сотгансизлар. Айбингни тан ол...

Ҳақоратлардан, калтаклардан чарчаган Жамматов бошини эгганича беҳол ўтирарди.

— Сизларнинг таъбирингизча, сукут аломати ризоми? Иқрор бўлсанг, қоғозларга имзо чек.

— Ахир нимага иқрор бўламан, ўртоқ терговчи...

— Ҳали шунақами, — терговчи ёнидагига ўгирилди. — Бошига резина қоп кийдир, димиқиб ўлсин.

Бошига резина қоп кийдиришди. Беш дақиқа, ўн дақиқа... Махбус типирчилай-типирчилай, тинчиб қолди.

— Энди қопни ечинглар!

Эс-хушини йўқотаёзган Жамматовнинг қўлига ручка тутқазишди.

— Мана бу ерга имзо чек...

Кўп ўтмай суд бўлиб ўтди.

Судда 305 киши гувоҳ сифатида қатнашди. Уларнинг биронтаси Шарифбой Жамматовга "Пул бердим", демади, аксинча, партком котибининг ҳалол, ташкилотчи инсон эканлигини эътироф қилди. Бироқ, бу кўрсатмалар инобатга олинмади. Жамматовни 8 йилга озодликдан маҳрум қилишди.

Ана шунда Гавҳар опа ўз садоқатини, меҳрини намоён қилиб, бор кучини, билимини ишга солди. Қатъий норозилик билдириб, СССР Олий судига мурожаат қилди.

— Бизни Тошкентга чақиришди, — эслайди Гавҳар Шарипова — Судя Жамматовнинг айбларини бирин-кетин ўқий бошлади. Мен адвокатларни туртаман, эътироз билдиришларини сўрайман. Улар бўлса "Жим, жим, гапириш мумкин эмас" дея кўрсаткич бармоқларини лабларига теккизишдан нарига ўтишмайди. Ие, гапира олмасангиз, нега адвокатлик қиласиз, дедим-да шартта ўрнимдан турдим...

— Ўртоқ судя, — деб босиқлик билан гап бошлади Гавҳар.

Ҳамма унга ялт этиб қаради. Ҳали суд мажлисларида бундай "тартибсизлик" кузатилмаганди.

— Шарифбой Жамматов турмуш ўртоғим бўлади. Унинг судида 305 та гувоҳнинг фикрларини сўрашди. Биронтаси эримни айбламади. Нимага асосланиб, у кишини 8 йилга қамашди? Сиз нимага асосланиб, у кишини айбдор деяпсиз?

Залга совуқ сукунат чўкди. Судя бироз ўйланиб ўтиргач, суд маслаҳатга кетишини билдирди.

Маслаҳат ярим соатдан ортиқ давом этди. Бу вақтда Гавҳарнинг кўнглидан нималар кечганлиги бир ўзига, бир Аллоҳга аён.

Адвокатлар бош чайқашди: "Катта хато қилдингиз".

— Яхши одамлар ҳамма замонларда ҳам бўлган, — дейди Гавҳар опа. — Судя ҳалол ва виждонли инсон экан. Ярим соатдан кейин чиқиб, далиллар етарли эмаслиги сабабли жиноят иши қайта терговга юборилишини маълум қилди.

Қайта тергов ва яна суд бўлгунича икки йилдан зиёд вақт ўтди. Гавҳар опанинг саъй-ҳаракати билан қамоқ муддати 3 йилга туширилди.

— Қамоқхона Уйғурсой посёлкасида эди. У кишини кўришга борганимизда шарт-шароитлардан даҳшатга тушганман. Ҳар одамга тўртта ит...Кун бўйи атрофни қора тутун, кукун қоплаб турарди. Резинанинг куйган ҳидидан бош айланарди, — эслайди Гавҳар опа. — Юрагим ёрилаёзган. Ундай шароитларни душманим тугул, ҳайвонларга ҳам раво кўрмаган бўлардим.

Гавҳар опа қалбида яна жасорат топди. Кирмаган идораси қолмади.

— Бу оммавий манзара. Чидашдан бошқа иложимиз йўқ. Лекин, ўқитувчиларга амнистия берилади деб эшитдим, — деган жавобни эшитди.

Бу гап Гавҳар опага бироз далда бўлди. Икки ойдан сўнг амнистия эълон қилинди ва Шарифбой ака қамоқдан озод этилди.

— Мен-ку турмуш ўртоғимнинг жасорати, фидойилиги эвазига икки ярим йилда қамоқдан чиқдим, — дейди Шарифбой ака. — Лекин ўша пайтда ҳамманинг ҳам Гавҳарга ўхшаган яқини, дўсти йўқ эди...

...Истиқлол арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан "пахта иши"га доир тўқима айбномалар қайта кўриб чиқилди. 1991 йил Шарифбой Жамматов қуйидаги хатни олди:

"Ўзбекистон ССР Олий судининг қароридан кўчирма

"Пахта иши»ни қайта кўриш чоғида ҳеч қандай жиноят содир этмагани учун ... Жамматов Шариф тўла-тўкис оқланган деб топилди.

1991 йил 4 январ".

Оила соҳиблари бу хатни ҳанузгача сақлашади.

Шарифбой ака ҳар доим мана шундай турмуш ўртоғини дуч қилган тақдирдан миннатдор бўлиб яшайди.

***

Инсоннинг камолотга етишида оиланинг ўрни катта. Шариф Жамматов ва Гавҳар Шариповонинг оила қуришганига 40 йилдан ошди. Шариф ака 2006 йилгача умумтаълим мактабида ёшларга география фанидан сабоқ берди. Икки ҳамкасб, икки дўст, икки юрак ҳар доим бир хил фикрлашади, бир-бирини қўллаб-қувватлашади. Шунинг учун ҳам бу оилага кўпчиликнинг ҳаваси келади.

— Киши бахтни аввало оилада топади, — дейди Гавҳар опа.

Жамматовлар икки қиз, бир ўғилни ўзлари каби зиёли, билимли, фидойи қилиб тарбиялашди. Бугунги кунда Мақсуда Урганч шаҳридаги 2-академик лицейда, Моҳира Урганч туман саноат касб-ҳунар коллежида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Жасурбек Урганч давлат университетида жисмоний тарбиядан сабоқ беради.

Ҳаммалари ўзидан тинчиган оила эгалари. Улар ўз ота-оналари билан фахрланишади ва уларга ўхшашга ҳаракат қилишади. Гавҳар опа 7 неварани севимли бувиси.

— Тақдиримдан асло нолимайман. Куч-қувватим етгунича эл-юрт хизматига камарбастаман, — дейди Гавҳар Шарипова.

СЎЗИ ГАВҲАР

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 16-aprel, payshanba, № 48 (3553), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

АКС-САДО

МУСОҲАБА МУШОҲАДАГА ЧОРЛАДИ

"Ishonch" газетасининг 4 апрел 43-сонида чоп этилган "Номлар қоидага мос, миллатга хос бўлсин!" номли суҳбатни ўқиб.

Филология фанлари доктори, ЎзМУ профессори Зулхумор Холмонова "Ishonch" мухбири билан мулоқотда тил миллат маънавиятини белгиловчи муҳим сифатлардан бири эканлиги, унинг софлигини таъминлаш, қонуниятларига оғишмай амал қилишга барчамиз бирдек масъуллигимизга алоҳида урғу беради.

Миллатнинг бутун борлиғи, аввало, унинг тилида намоён. Зотан, тил миллатнинг дунёни билиш ва англаш воситаси ҳисобланади. Шундай экан, турли салбий таъсирлар унинг бетакрорлигига дахл этиб, мавқеига путур етказишига томошабин бўлиб туришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Бугун шаҳримизда жамоат транспорти воситаларидан фойдаланиш самарали йўлга қўйилган бўлиб, йўналишли таксиларнинг узоғимизни яқин қилаётгани эътирофга лойиқ. Бироқ йўналишлар, мўлжаллар номи, турли эълон ва огоҳлантирувчи ёзувларнинг саводхонлик қоидаларига жавоб бермаслиги киши дилини хира торттиради.

Мусоҳабада келтирилган *"Қорақамиш", "Юнус-абад"* ва уларга қўшимча қилиб *"Чор-Су", "Иппадром", "Алайский", "Вузгородок", "Шуҳрат", "Чиланзар", "Хасанбой", "Куйлюк базар", "Кадышева базар"* кабиларни санашда яна давом этишимиз мумкин. Бундай йўлкўрсаткич ёзувларни бир кунда юз минглаб киши ўқишини ҳисобга олсак, масаланинг нақадар жиддий эканлиги ойдинлашади.

"Кўр эшитганини, кар кўрганини қўймайди", деган мақол бекорга айтилмаган. Мақолнинг маъниси замонавий психологларнинг фикрига тўғри келади. Соҳа мутахассислари хотиранинг шакланишида кўриш ва эшитиш муҳим эканини тасдиқлайдилар. Жамоат транспорти хизматидан бир кунда қанча йўловчи фойдаланишини эътиборга олсак, хато ёзув одамларнинг кўзига "сингиб", хотирасига муҳрланиб боришини англаш қийин эмас.

Муҳтарама олимамиз кўтарган масалалардан яна бирида лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосида "ў" ва "ғ" ҳарфининг ёзилиши, тутуқ белгиси билан чалкашлиги таъкидланган. Масалан, шу ҳарфлар қатнашган "o'rin", "rag'bat" сўзларининг ёзилишида иккитадан хато мавжуд. Биринчиси, o' ва g' ҳарфининг ифодаланмагани бўлса, иккинчиси, ҳар икки сўзда тутуқ белгиси борлиги. Бу хатоликларни янги имло билан таниш бўлмаган кишилар содир этяпти, дея олмаймиз. Боиси, худди шу нуқсонни турли муассаса пешлавҳаларида ҳам учратиш мумкин. Гап шу пешлавҳани ҳар куни кўриб индамай кетишга, кўникиб қолишганида.

Шунингдек, жамоат транспортлари йўлидаги турли мўлжалларнинг номи рус тилида ёзилиши худди *Жўрахўжани Джораходжа* дегандек нохуш ҳолатдир. Масалан: "Олой" бозорининг "Алайский", "Фарҳод" бозорининг "Фархадский", Жанубий вокзалнинг "Южный", Шимолий вокзалнинг "Северный", деб ёзилиши "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунга ҳам зид ҳисобланади.

Айтишларига қараганда, ўтган асрда инглиз маърифатпарвар ишбилармонларидан бири алифбо шаклидаги ширинлик ишлаб чиқариб, миллатдошларининг умумий саводхонлигини юксалтиришга катта ҳисса қўшган экан.

Бизда ҳам ана шундай маърифатли тадбиркорлар йўқ эмас, албатта. Лекин... Мусоҳабада тилимиз софлигига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлардан яна бири рекламалар билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилади. Тадбиркор оғайниларимиз "Реклама — бизнеснинг асоси", деб қарашади. Аммо ишлаб чиқарган маҳсулоти, тақдим этаётган хизмат тури харидорга тўғри ва аниқ етказилишига келганда ҳафсаласизлик қилади. Шунинг учун ҳам бугун кўчаларимизни безаб турган улкан билбордлар, афишалар, турли хил эълонларда хатолар кўп учрайди. Ҳолбуки, "Давлат тили ҳақида" ва "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми ва ундан фойдаланиш қатъий белгилаб берилган.

Моҳиятан рекламанинг асосий мақсади эътибор тортиш, диққатни жалб этишдан иборат. Шу сабабли рекламаларда ёрқин ранглардан, таъсирли сўз ва иборалардан фойдаланилади. Демак, рекламадаги хато харидорнинг ҳам, тадбиркорнинг ҳам манфаатига зиддир.

Шаҳримиздаги бир неча ошхоналарнинг пештоқига "Бухоро таомлари", "Фиждувон таомлари", "Қашқадарё таомлари" ёки "Европа миллий таомлари", "Осиё миллий таомлари" каби услубий хатоликлар кўпчиликка эриш туюлмай ҳам қўйди. "Қува анори", "Бахмал олмаси", "Сирдарё балиғи", деб айтишга ҳақлимиз. Сабаби, Бахмал ва Қувада олма-ю анор етиштирилади. Сирдарёда эса балиқ бўлади. Таомхоналар билан боғлиқ мисолларни ҳатто зиёлилар ҳам "Бухороликлар таоми" каби тўғрилаб айтганини эшитганимиз йўқ. "Европа миллий таомлари" ва "Осиё миллий таомлари"га келсак, Европа-ю Осиё деган миллат йўқ. Шундай экан, миллий таоми ҳам бўлмайди. Европаликлар ёки осиёликлар миллий таоми, деб айтишга ҳам, ёзишга ҳам ҳақли эмасмиз.

Миллат кўзгуси бўлган тилимизга беписанд муносабатнинг яна бир кўриниши бино ва иншоотларга берилаётган номлар билан боғлиқдир.

Бугун шаҳарларимизда кетма-кет қад кўтараётган кўплаб чиройли, маҳобатли тўйхоналару дўконлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларию идоралар кўрган кўзни қувнатади. Бироқ замонавий архитектура ютуқларини ифода этадиган бундай иморатлар пештоқига *"Версал", "Дракон", "Troyka", "Carucel", "Blinoff", "Bistro"*, деб ёзилгани киши кўнглида беихтиёр савол уйғотади: "Бу ўзбек тилида сўзлашадиган, шу шаҳарда яшайдиган кишиларгами ёки бирор ажнабий мўлжалдан адашмаслиги учунми?!"

Албатта, ном бериш ҳар кимнинг шахсий иши. Маҳсулотларини ўзбекча номлаётган, бинолар пештоқига тилимизга хос ва мос ном бераётган кишилар саъй-ҳаракатини ҳар қанча олқишласак кам. Тўйхона, ресторан, дўкон, гўзаллик салонларига ярашиб турган номлар ҳам бор. Масалан: *"Олмос", "Офтоб", "Баҳор", "Сабо", "Нур", "Кўҳинур", "Ҳувайдо", "Тўмарис", "Момоқиз"* сингари.

"Момоқиз" гўзаллик салонини кўрганимда, кўнглимда ажиб бир ҳис уйғонди. Ушбу ном Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасидаги Бўри полвоннинг жисман кексарган, аммо қалбида дуркун қиз бўлиб қолган Момоқизни эслатди.

Тил қоидаларига барчамиз бирдек масъулмиз. Унга ҳурмат билан қаралса кўчаларимиздаги эълонлар, рекламалар, ҳатто нуфузли ташкилотлар пештоқидаги улгилар ҳам тартибга тушади, тузатилади.

Бу борада ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиевдан ўрнак олсак арзийди. Унинг ташаббуси билан бир қатор ташкилотларнинг пешлавҳалари тузатилди. Хусусан, "Trastbank", Архитектура ва қурилиш қўмитаси бунга далил бўлади.

Мунаққид ва ёзувчи Аҳмад Аъзам умрининг сўнгги кунларида "Тил — шунчаки гапириш ёки ёзиш эмас, тил — одамнинг тийнати, дил ойнаси — маданияти, одам олган жами тарбиянинг ҳосиласи", деб ёзган гаплари мағзини чақиб кўрайлик.

Дунёдаги кўплаб халқлар орасида ўз қиёфамизни белгилаб берган асосий белги — тилимизга муносабат ҳам барчамиздан масъуллик талаб этади.

Нурилла ЧОРИЕВ

Спорт янгиликлари

ВЕЛОСПОРТ

Самарқанд шаҳрида 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида шоссе бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Велоспорт федерацияси, ЎзКУФК ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

БИРИ БИРИДАН ЎЗИБ

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган ёш велоспортчилар биринчи босқичда 7 км.лик якка-лик пойгада иштирок этди. Тезкор ва дадил ҳаракат қилган Тошкент вилояти вакили Данил Евдокимов барча тенгдошларини ортда қолдирди. Кейинги ўринлар Николай Чернов ва Алижон Абдураҳмоновга насиб этди. 60 км. масофага жамоавий пойгаларда ҳам Тошкент вилояти вакилларининг қўли баланд келди.

— Икки йилдан буён мазкур спорт тури билан шуғулланяпман. Бундай йирик мусобақада илк бор қатнашишим. Самарқанд шаҳри менга жуда ёқди. Қадимий ва замонавий иморатлар кишини ҳайратга солади. Мусобақа жараёнида кўплаб дўстлар орттирдим, — деди Қорақалпоғистон Республикаси вакили Илҳом Есалиев.

Нурилла ШАМСИЕВ, "Ishonch" мухбири

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

ЎзКУФК томонидан велоспорт ривожи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлардан бири — ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ўтказилаётган веломарафондир. Бу аҳоли ўртасида ушбу спорт турига нисбатан қизиқиш тобора ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Қатор йиллардан буён анъанага айланган мусобақани ташкил этиш борасида Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам бир мунча тажриба тўпланган.

Мусобақанинг биринчи босқичи вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтди. Унда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қизириқ, Термиз, Қумқўрғон туманлари бошланғич ташкилотлари фаол иштирок этди. Жами 120 нафардан ортиқ ҳаваскор беллашди.

— Мусобақаларнинг барча босқичлари юқори савияда ўтиши учун шарт-шароитлар яратилган, — дейди бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ўктам Ўтаганов.

Голиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар 15-22 апрел кунлари Термиз шаҳри ва туманлар миқёсида бўлиб ўтадиган 2-босқичда иштирок этади.

Рустам ДАВЛАТОВ, "Ishonch" мухбири

ФУТБОЛ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 2018 йили Россияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатининг иккинчи саралаш босқичига қураъ ташлаш маросими бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН "Н" ГУРУҲИДА

Қураъ натижаларига кўра, қитъамизнинг қирқта давлати терма жамоалари саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш босқичида иштирок этади. Ўзбекистон терма жамоаси "Н" гуруҳида Баҳрайн, Филиппин, КХДР ва Яман терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Гуруҳ ғолиблари ва тўртта энг яхши кўрсаткичга эга иккинчи ўрин соҳиблари 2018 йилги Жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи саралаш босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш билан бирга, 2019 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган Осиё кубоги мусобақасига ҳам йўлланма олади.

— Қураъ натижасидан қониқиш ҳосил қилдим. Бизнинг гуруҳдан муносиб жамоалар жой олишди ва шунинг учун қизиқарли ўйинлар кўп бўлишига ишонаман. Мақсадимиз — гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритиб, Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашни давом эттириш. Биз бошқа ўйинлар натижасига боғланиб қолмаслик учун биринчи ўрин билан чиқиш масаласини ҳал қилишимиз керак. Ўйлайманки, бунга қодирмиз, — деди Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи саралаш босқичи жорий йилнинг 11 июнида бошланади. Жамоамиз гуруҳдаги дастлабки баҳсни 16 июн куни сафарда КХДР терма жамоасига қарши ўтказади.

Қуйида тўлиқ тақвим билан танишинг:

2015 йил

3 сентябр — Ўзбекистон — Яман
8 сентябр — Филиппин — Ўзбекистон
8 октябр — Баҳрайн — Ўзбекистон
12 ноябр — Ўзбекистон — КХДР
17 ноябр — Яман — Ўзбекистон

2016 йил

24 март — Ўзбекистон — Филиппин
29 март — Ўзбекистон — Баҳрайн

ТЕННИС

Қарши шаҳрида якунига етган ITF таснифига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Сабина Шарипова бош совринни қўлга киритди. Сабина ҳал қилувчи баҳсда россиялик Ксения Ликинани икки сет якунларига кўра 6:2, 6:3 ҳисобида мағлуб этди.

САБИНА — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБАСИ

Эътиборли жиҳати, Сабина Шариповага турнир давомида фақат россиялик теннисчилар билан беллашишга тўғри келди. У аввалига Екатерина Яшинани 4:6, 6:3, 6:0. Иккинчи даврада, Любов Василевани 6:1, 6:3, чорак финалда Валентина Ивахненкони 6:2, 6:4, ярим финал учрашувида эса турнирда тўртинчи рақам остида ҳаракат қилган Анна Прибиловани 7:5, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Адҳам АРСЛОНОВ, "Ishonch" мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 21 апрел, сешанба куни чиқади.

МЕҲР ТАФТИ

Совуқ кунларнинг бирида қизиқ воқеага гувоҳ бўлдим. Хонада ишлаб ўтириб, ташқарида гупиллаб ёғаётган қор хаёлимни тортди. Манзарани кузатар эканман, шу пайт икки майна дераза олдига қўниб, ташқаридан ойнани тумшуғи билан "тақиллата" бошлади. Тушунмадим. Аҳамият бериб қарасам, бирининг чап оёғи йўқ. Бу одат эртасига ҳам, индинига ҳам такрорланди...

ЎЗИМИЗНИНГ МАЙНАЛАР

Кейин билсам, хонадош ҳамкасбим Шарофат опа нон ушоқларини дераза олдидаги қўлбола қилиб тайёрлаб қўйган донхўракка тўкишни одат қилган экан. Ҳар гал шу ишни қилаётганида: "Келинглар, майнажонлар, бу сизларнинг ҳаққингиз", деб эркалаб қўярди. Демак, шу ердан ризқини териб ейишга ўрганган қушчаларга неча кундан бери егулик йўқ. Чунки уларнинг меҳрибони таътилда-да. Вой, бечоралар, қишнинг изғиринида оч қолишибди-ку. Ўрнимдан турдиму, дарҳол бир бурда нонни майдалаб, донхўракка сочиб қўйдим. Хуллас, ҳар куни бу ишни бажаришни ўз зиммамга олдим...

Таътилдан қайтган Шарофат опага бу воқеани сўзлаб бердим.

— Қўйинг-ей, ҳазиллашманг... Наҳотки...

Тўғриси, ҳар сафар нон ушоқларини фақат шу икки майна келиб еяётганини эшитиб ҳайрон қолди.

Шундан бери бу қушчалар тушлик бўлди дегунча, ҳозиру нозир. Мана ҳозир ҳам улар деразамиз тагида...

Раъно МАҲКАМОВА, "Ishonch" мухбири

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий ҳунармандлик анъаналарини тиклаш, бойитиш, ёш авлоднинг ушбу соҳага қизиқишини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Буни "Ҳунарманд" уюшмасининг Марғилон шаҳар бўлими фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда ёшлар ўз лаёқатига кўра, "Устоз-шогирд" анъаналари асосида ҳунар ўрганиб, ижодий салоҳиятини ошириши учун барча шароит яратилган. Шойи, атлас, адрас каби миллий матоларнинг қадимий нусхаларини тиклаш, янгиларини яратиш борасидаги изланишлар, айниқса, юксак самара бераётир. Айни пайтда бўлимда 248 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда.

Суратда: ёш ҳунарманд Ёрқиной Ҳомидова.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

ИФТИХОР

Бугунги ёшлар тилида ушбу сўзлар ғурур билан жаранглайди. Ватан соғинчи нелигини хорижий мамлакатлардан бирига саёҳатга борганимда ҳис этганман.

БАХТЛИМАНКИ, ҚУЧОҒИНГДА ТУҒИЛДИМ

Соғинч туйғуси сизга ҳам танишми? Бу саволга барча бирдай "албатта" деб жавоб бериши тайин. Келинг, ушбу саволга шундай ўзгартириш киритамиз: Ватан соғинчини ҳис этганмисиз? Ўйланиб қолдингизми? Бунга дарҳол жавоб беришингиз қийин. Чунки она Ватан бағридасиз, эминэркин ўсмоқдасиз. Кечқурун тинч ётиб, эрталаб осуда уйғонасиз. Яқинларингиз ёнингизда. Кўчага чиқасиз: таниш ва қадрдон чеҳралар, ёд бўлиб кетган манзаралар. Кўнглингизда хотиржамлик ва шодлик ҳукмрон. Ҳар дақиқа шу азиз Ватанда яшаётганингизга шукрона айтасиз...

Энди Ватан соғинчига келсак... Ҳорижий мамлакатлардан бирига саёҳатга отландим. Саёҳат яхши-да, кўрмаган шаҳарларингни кўрасан. Фақат борган жойимда бегоналигимни дарров ҳис этдим. Тил нотаниш, одамлар нотаниш, урф-одатлар ўзгача... Шунда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она юртидан келтирилган қовунни кўриб, кўзларига ёш тўлганини ва Муҳаммад Юсуф: "Римга алишмасман бедапоянгни", деган мисраларни бежиз ёзмаганини тушундим. Гўзал Ўзбекистонимизни беҳад соғингандим, ўшанда. Ўйлаб қарасам, тинч, омонликда яшаётганимизнинг ўзи катта бахт экан. Яратилган имкониятлар, фаровон ҳаёт, тўкин-сочинлик, урф-одат ва қадриятлар биз учун беназир туҳфадир.

Биз ёшлар ҳар жиҳатдан бахтлимиз, фақат бир бурчни унутмаслигимиз керак: Ватанга хизмат қилиш, ёт ғояларга қарши курашиш, ва албатта, яхши инсон бўлиб яшашимиз керак. Шундай қилсак, бизга насиб этган бахт-саодатни бошқаларга ҳам илинган бўламиз.

Мафтуна РЎЗИМАТОВА

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Choriyev

Bosishga topshirish vaqti — 21:05
Topshirildi — 21:50

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 415 | 19386 nusxada bosildi | 1 2 3 5 6